ХУРОСОН ТАСАВВУФ МАКТАБИ РИВОЖИДА ҲУЖВИРИЙНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

РОЛЬ ХУДЖВИРИ В РАЗВИТИИ ХОРАСАНСКОЙ ШКОЛЫ СУФИЗМА

THE ROLE OF HUJWIRI IN THE DEVELOPMENT OF THE KHURASAN SCHOOL OF SUFISM

TUYCHIEVA Nilufar Makhsutjanovna
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
PhD, Associate Professor of the ICESCO
Department of Islamic Studies and Islamic Civilization
11, A. Kadiri Street, Tashkent, 100011, Uzbekistan
почта: nilufartuychieva79@gmail.com

DOI: 10.47980/IIAU/2026/3/4

Аннотация: *Ушбу мақолада Хуросон тасаввуф мактабининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларида XI асрнинг йирик мутасаввиф олими Абул Ҳасан Али ибн Усмон Ҳужвирийнинг тутган ўрни атрофлича таҳлил қилинган. Мақолада муаллифнинг ҳаёт йўли, илмий-маънавий фаолияти ва унинг тасаввуф назариясини тизимлаштиришдаги хизматлари ёритилган. Тадқиқотда Ҳужвирийнинг форсий тилдаги илк мукаммал тасаввуфий манба ҳисобланган "Кашфул маҳжуб" асари, ундаги асосий тасаввуфий-фалсафий тушунчалар ва ушбу асарнинг сунний тасаввуф анъанасини мустаҳкамлашдаги аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, "Кашфул маҳжуб"нинг кейинги давр ислом тасаввуф адабиёти ва маънавий тизими ривожига кўрсатган таъсири манбашунослик жиҳатидан асослаб берилган.*

Мақолада асарнинг сунний тасаввуф анъанасини мустаҳкамлаш, шариат ва тариқат мутаносиблигини асослашдаги аҳамияти қиёсий-тарихий ва манбашунослик методлари асосида очиб берилган. Шунингдек, "Кашфул маҳжуб"нинг кейинги давр Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ислом тасаввуф адабиёти, хусусан, Аттор, Румий ва Жомий сингари буюк мутафаккирлар дунёқараши ва маънавий тизими ривожига кўрсатган бевосита таъсири манбашунослик жиҳатидан асослаб берилган. Тадқиқот хулосалари тасаввуф тарихи, манбашунослик ва ислом фалсафаси соҳасидаги келгуси илмий изланишлар учун муҳим назарий ва амалий манба бўлиб хизмат қилади.

Мақолада асар талқинидаги багрикенглик, ахлоқий покланиш, нафс тарбияси ва инсонпарварлик ғояларининг замонавий жамиятда багрикенглик муҳитини мустаҳкамлашдаги аҳамияти манбашунослик ва социо-культорологик методлар орқали очиб берилган. Тадқиқот хулосалари "Кашфул маҳжуб" манбаси нафақат тарихий-илмий ёдгорлик, балки замонавий исломшунослик ва маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида муҳим амалий қимматга эга эканини кўрсатади.

Мақолада энг муҳим масалалардан бири сохта тасаввуф вакилларига қаратилган эътирозлар "Кашфул маҳжуб"да қай тарзда акс этгани таҳлил қилинган. Ҳужвирий мазкур асари давомида валийлик даражасига кўтарилган, ҳатто, комил инсон даражасига чиққан киши ҳам шаръий мажбуриятлардан озод бўлиш ҳуқуқига эга эмаслигини таъкидлаган. Бу китобда тасаввуф тарихида илк маротаба тасаввуф вакиллари шахс сифатида эмас, балки турли суфийлик мактаб вакиллари сифатида кўриб чиқилган.

Муаллиф бу асарни таҳлил қилиш жараёнида Ҳужвирийнинг ҳанафийликка амал қилганини баён қилган. Аммо шофеъий тасаввуф олимлари Суламий, Абу Нуъайм Исфахоний ва Қушайрий асарлари айнан Ҳужвирий асарига ўхшаш усулубда экани муҳокама қилинган. Унинг ҳанафий бўлганининг белгиси сифатида ўз китобида Абу Ҳанифани етук суфийлар қаторида зикр қилганидир. Асарнинг турли хориж тилларига таржима қилиниши мутахассислар учун ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаганига далолат қилади.

Калит сўзлар: *кашф, ақл, илм, суфий, сунний тасаввуф, илҳом, Хуросон тасаввуф мактаби, ислом маърифати, тасаввуф фалсафаси, тасаввуфий ахлоқ.*

Аннотация. *В статье всесторонне проанализирована роль крупного суфийского учёного XI в. Абу-л-Хасана Али ибн Усмана ал-Худжвири в становлении и развитии хорасанской школы суфизма. Освещены его жизненный путь, научная и духовная деятельность, а также вклад в систематизацию теории суфизма. Рассмотрен труд Худжвири «Кашф ал-махджуб», считающийся первым систематическим сочинением о суфизме на персидском языке, раскрыты изложенные в нём основные суфийско-философские понятия и его значение для укрепления суннитской суфийской традиции. На основе анализа источников обосновано влияние этого сочинения на последующее развитие исламской суфийской литературы и системы духовных представлений.*

С применением сравнительно-исторического и источниковедческого методов раскрыто значение трактата для укрепления суннитской суфийской традиции и обоснования согласованности шариата и тариката. На основе анализа источников также обосновано непосредственное влияние «Кашф ал-махджуб» на развитие исламской суфийской литературы Центральной Азии и Ближнего Востока последующих эпох, в частности на мировоззрение и систему духовных представлений таких выдающихся мыслителей, как Аттар, Руми и Джами. Выводы исследования служат теоретической и практической основой для дальнейших научных изысканий в области истории суфизма, источниковедения и исламской философии.

На основе источниковедческого и социокультурного анализа раскрыто значение представленных в трактате идей толерантности, нравственного очищения, воспитания нафса и человеколюбия для укрепления атмосферы терпимости в современном обществе. Выводы исследования показывают, что «Кашф ал-махджуб» представляет собой не только исторический памятник, имеющий научное значение, но и сочинение, обладающее практической ценностью для современного исламоведения и духовно-нравственного воспитания.

Особое внимание уделено тому, как в «Кашф ал-махджуб» отражена критика лиц, которых Худжвири

считал ложными последователями суфизма. В своём сочинении он последовательно подчёркивает, что достижение степени святости и даже уровня «совершенного человека» не освобождает от исполнения предписаний шариата. В этом труде впервые в истории суфизма его последователи рассматриваются не как отдельные личности, а как представители различных суфийских школ.

При анализе трактата автор статьи отмечает принадлежность Худжвири к ханафитскому мазхабу. Вместе с тем рассматривается сходство стиля его сочинения с трудами суфийских учёных шафиитского мазхаба — ас-Сулами, Абу Нуайма ал-Исфахани и ал-Кушайри. В качестве признака приверженности Худжвири ханафитскому мазхабу приводится упоминание им Абу Ханифы среди выдающихся суфиев. Переводы трактата на различные языки свидетельствуют о том, что он сохраняет свою значимость для специалистов до настоящего времени.

Ключевые слова: *кашф, разум, знание, суфий, суннитский суфизм, вдохновение, хорасанская школа суфизма, исламское просвещение, философия суфизма, суфийская этика.*

Abstract: *This article comprehensively analyzes the role of the prominent 11th-century Sufi scholar Abu al-Hasan Ali ibn Usman al-Hujwiri in the formation and development of the Khurasan School of Sufism. The paper outlines the scholar's biography, intellectual-spiritual legacy, and contributions to the systematization of Sufi doctrine. Particular attention is given to the book "Kashf al-Mahjub", recognized as the earliest comprehensive manual of Sufism written in the Persian language. The article explores the central mystical and philosophical concepts presented in the work and highlights its significance in reinforcing the tradition of Sunni Sufism. Furthermore, the influence of Kashf al-Mahjub on the subsequent development of Islamic Sufi literature and spiritual thought has been substantiated through a source-based analysis.*

The article elucidates, through comparative-historical and source-critical methodologies, the significance of the book in consolidating the Sunni Sufi tradition and substantiating the harmonious relationship between **Shariah** *and Ṭariqah***.** *Furthermore, the direct impact of Kashf al-Mahjub on the subsequent development of Islamic mystical literature and spiritual thought in Central Asia and the Middle East – particularly influencing masterminds such as Attar, Rumi, and Jami – is rigorously substantiated through source analysis. The findings of this research provide a valuable theoretical and practical foundation for future studies in the fields of Sufism history, Islamic source studies, and Islamic philosophy.*

Utilizing source-critical and socio-cultural methodologies, the study highlights how the concepts of tolerance, moral purification, self-discipline, and humanism embedded in the text contribute to strengthening cultural tolerance in modern society. The findings demonstrate that Kashf al-Mahjub is not merely a historical and scholarly monument, but a living text holding significant theoretical and practical value for contemporary Islamic studies and ethical education.

The article analyzes one of the most significant issues addressed in Kashf al-Maḥjūb: the manner in which objections and critiques directed against proponents of pseudo-Sufism are reflected in the work. Throughout this work, al-Hujwiri emphasizes that even an individual who has attained the status of sainthood or reached the level of the Perfect Man is not exempt from fulfilling Sharia obligations. In this book, for the first time in the history of Sufism, Sufi figures are evaluated not merely as individuals, but as representatives of distinct Sufi schools of thought.

In analyzing this work, the author demonstrates al-Hujwiri's adherence to the Hanafi school of law. Furthermore, the methodological parallels between his work and those of Shafi'i Sufi scholars – such as al-Sulami, Abu Nu'aym al-Isfahani, and al-Qushayri – are discussed. A key indicator of his Hanafi affiliation is his inclusion of Abu Hanifa among the prominent Sufis. The translation of this book into various foreign languages demonstrates its enduring significance for scholars today.

Keywords: *Unveiling, Reason, Knowledge, Sufi, Sunni tasawwuf, Divine inspiration, Khurasan School of Sufism, Islamic enlightenment, Sufi philosophy, Sufi ethics.*

КИРИШ

Хуросон тасаввуф мактаби Бағдод тасаввуф мактабидан тубдан кўп жиҳатдан фарқ қилган. Хуросонда маломатия тарафдорлари суфийлардан ҳам юқори турувчи зоҳидлар сифатида тасвирланиши бежиз эмас. Чунки хуросон маломатийлари суфийлардан фарқли равишда оддий одамлардан ўзларининг ҳақиқий маънавий ҳолатини яширишга бу орқали манманлик иллатидан қочишга мойил бўлганлар (Sviri, 1999:193–215). Хуросон суфийлари сўздан кўра амалга аҳамият берувчи, бағрикенглик ғояларини илгари сурувчи, ҳанафий-мотуридий эътиқодидаги кишилар бўлган.

Хуросонда тасаввуфнинг тизимлаштирилишида муҳим рол ўйнаган мутасаввиф Абул Ҳасан Али ибн Усмон Жуллабий Ҳужвирий (ваф. 465/1072 й.) форс тилида ижод қилган илк киши сифатида тасаввуф тарихида муҳим из қолдирган. Тасаввуф гарчи араб ярим оролида илдиз отган бўлишига қарамай ёзма танч манбаларнинг аксарияти Хуросонда таълиф этилди. Ҳужвирий шу жараёнда иштирок этган ва ўзидан тасаввуф илми учун мумтоз манба даражасига кўтарила олган асар қолдирган.

Хуросонда X асрдан бошлаб тасаввуфнинг кенг ёйилишини тасаввуф ва шофеъий мазҳаби билан ўзаро алоқалар мустаҳкам йўлга қўйилиши билан боғлайдилар. Тасаввуфнинг мумтоз манбаларининг муаллифлари асосан шофеъий мазҳабида бўлгани манбаларда келтирилган. Шунга қарамасдан классик мутасаввифлар орасида Абу Бакр Калободий, Ҳаким Термизий ва Ҳужвирий каби йирик вакилларнинг ҳанафийлик мазҳабида таълим олиб, шу асосда тасаввуф ғояларини илгари сургани ҳам сир эмас.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳужвирий “Кашфул маҳжуб” асари орқали тасаввуфнинг соф эътиқодга мос йўналиш эканлигини ва бошқа ислом илмлари билан тескари муносабатда бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатиб бера олди. Ўз даврининг бошқа муаллифлари каби Ҳужвирий тасаввуфий қарашлар ва маънавий қадриятларнинг сунний исломнинг асосий қоидаларига мос эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилди. Шу боис тасаввуфга нисбатан билдирилган баъзи баҳсли масалаларни далиллар асосида ҳал қилишга аҳамият қаратди.

Бу асарнинг тасаввуф йўналишида ёзилган муҳим манба эканлиги кўплаб шарқшунос олимлар ва исломшуносларнинг диққатини тортиб келган. Уни кенг доираларга етказиш мақсадида кўплаб тилларга таржима ва тадқиқ қилинди. Инглиз олими Николсон томонидан биринчи марта асарнинг таржимаси амалга оширилди. Бу Николсоннинг ҳаётида катта бурилиш ҳосил қилди. Таржима илк бор 1911 йилда нашр этилса-да, иккинчи нашри тузатишлар ва аниқликлар рўйхати билан тўлдирилган ҳолда 1936 йилда чоп этилган.

Рус шарқшуноси Е.Э.Бертельснинг фикрига кўра, тасаввуф тадқиқ қилишда Хуросон бирламчи аҳамиятга эга ва унинг мактабларининг кўзга кўринган вакиллари илмий фаолиятини ўрганиш доим аҳамият касб этган. Бертельс Хуросон тасаввуфини ўрганишда В.А.Жуковскийнинг исломшуносликка қўшган катта хизматларини алоҳида таъкидлаган. Жуковский томонидан нашр этилган шайх Абу Саъид ибн Абул Хайрнинг таржимаи ҳоли ва хуросонлик назариётчи вакиллардан – Жуллабий Ҳужвирийнинг асари тадқиқотчилар олдида бутунлай янги уфқларни очганини қайд этган (Бертельс, 1965:227).

В.А.Жуковский бу асар устида йиллар давомида ишлаб, уни тўлиқ нашрга тайёрлаб улгурган, аммо ўзи 1918 йилда вафот этгани сабабли китоб кейинчалик 1926 йилда академик С.Ф.Ольденбург ва К.Г.Залеман каби олимларнинг саъй-ҳаракати билан Ленинградда босилиб чиққан (Жуковский, 1926:607).

В.А.Жуковскийнинг муқаддима ва кўрсаткичлари билан ушбу манбанинг асл матн сифатида форсийси чоп этилди. Аммо ушбу нашр таржима билан таъминланмаган эди. Жуковский фойдаланган форсий матн қўлёзмаси Р. Николсон таржима қилган қўлёзма нусхадан фарқли бўлган.

Кейинчалик А.Орлов Рейнольд А.Николсоннинг инглизча таржимасидан рус тилига қилинган таржимани амалга оширишга муваффақ бўлди. Бунинг ўзига хос ҳам афзалликлари, ҳам камчиликлари бор. Афзалликлари ҳақида гапирганда, энг аввало, шарқ тилларини билмайдиган қизиқувчан рус китобхони суфийлик адабиётининг энг нуфузли манбаларидан бирига, қолаверса, ушбу мавзуда форс тилида ёзилган энг қадимги асарга кириш имкониятига эга бўлишини таъкидлаш лозим. Аммо инглиз тилини биладиган, ҳатто “Кашфул маҳжуб” (Nicholson, 1911:443) таржимасининг анча ноёб нашрини қўлга кирита олган китобхон ҳам, ҳеч шубҳасиз, манбани ўз она тилида ўқиш афзалликларини муносиб баҳолай олади. А. Орловнинг таржимаси ушбу илк суфийлик адабиёти меросининг услуби ва хусусияти ҳақида етарлича аниқ тасаввур беради ва шу билан бирга, аслиятдаги баъзи мураккаб ўринларни тушуниб етиш учун озмунча куч сарфламаган Р. Николсонга муносиб таҳсин ўқишга имкон яратади (Али ибн Усман аль-Ҳуджвири, 2004:504).

“Кашфул маҳжуб” Лаҳорда 4 марта 1903, 1931, 1933 ва 1978 (Abdur Rashid, 1967:19-42) йилда нашр этилган. Эронда 1327, 1336, 1337, 1338 йилларда нашр бўлган. Самарқандда эса 1330 йилда босилган.

Муаллиф асар ғояси остида Жунайд йўналиши руҳидаги мўътадил тасаввуфнинг асосий қоидаларини ёритиб беради” (Хайруллаев, 1991:47). Бундан англашимиз мумкин бўлган жиҳат шуки, Ҳужвирий сунний тасаввуф ғояларига содиқ, мўътадил тасаввуф йўналиши вакили бўлган.

Турк олими Комил Ҳасан Йилмазнинг фикрига кўра, “Али ибн Усмон Жуллабий Ҳужвирийнинг “Кашф ал-маҳжуб” асари (Теҳрон, 1338/1919). Исъод Абдулҳодий Қандил томонидан араб тилига Қоҳирада 1974 йил, Сулаймон Улудоғ томонидан эса турк тилига Истанбулда 1982 йил таржима қилинган (Yılmaz, 2007:47).

Ҳужвирийнинг 10 га яқин асарлари мавжудлиги ҳақида маълумотлар қайд этилса-да, бизгача етиб келган ягона китоби “Кашфул маҳжуб” тасаввуф илмининг шаклланишида муҳим ўрин тутгани ва бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмагани билан тадқиқотлар марказида қолмоқда.

МУҲОКАМА

Али ибн Усмон Абу Али Жуллабий Ҳужвирий бутун умрини Ғазнавийлар даврида яшаб ўтказган. Таваллуд ва вафот йили аниқ бўлмаса ҳам 999-1077 йиллар орасида яшаб ўтгани тахмин қилинади. У яшаган давр Ғазнавийларнинг гуллаб яшнаган вақтига тўғри келди. Шу сабабли Ҳужвирий сафар қилган давлатлар асосан ғазнавийлар ҳукмронлик қилган ҳудудлар кесимига тўғри келади. Бунинг сабаби бу давлат ўз аҳолисининг тарбия ва таълим ишига иштиёқини оширишни мақсад қилган эди.

Ҳужвирий яшаган даврда ғазнавийлар аббосийлар халифалигига боғлиқ суннийлар эди.

Ҳужвирийнинг замондоши Султон Маҳмуд сунний қарашларга ўта маҳкамлиги ва бу қарашларни ҳимоя қилиши билан ном чиқарган эди. У мўътазила, исмоилий ва қарматийларга қарши эди. Бу каби тоифаларни султонлик ҳудудидан қувиб чиқаришга ва фаолиятини чеклашга эътибор берар эдилар. Ҳатто, улар томонидан ёзилган асарларни ёқиб юборишган. Ибн Халликоннинг сўзига кўра: шайхлар, олимлар, имомлар ва файласуфлар Ғазнада Султон Маҳмуд хузурида тўпланиб, илмий баҳсга киришар эдилар. Ҳужвирий ҳам бу баҳсларда иштирок этар эди. У бир куни султоннинг ҳузурида ҳинд файласуфи билан баҳсга киришиб, уни енгган (Ибн Халликон, 1972:86).

Султон Маҳмуднинг олимларга кўрсатган эҳтироми натижасида бу даврда ислом маданияти янада гуллаб яшнади. Ҳисоб илмида машҳур Абу Наср Ироқий, тиб илмида учинчи ўринда бўлган Гиппократ, Жолинус деб танилган Абул Хайр Ҳаммор унинг ёнида ва ҳимоясида эдилар. Абу Райҳон Беруний ҳам унинг қўллаб қувватлови остидаги олимлардан эди. Унинг Ибн Синога кўрсатган эътибори ҳам зикр қилинса-да, Султон Маҳмуд билан алоқаси ҳақида маълумотлар кам. Юқорида келтирилганлардан Ҳужвирий яшаган вақтда илм ва фан тараққий этгани, олимларга катта имкониятлар берилгани ва унинг ўзи ҳам шу боисдан кўплаб муваффақиятларга эришишига туртки берган эди.

XI асрда ислом оламида жамият сунний ва шиа деб аталган икки гуруҳга ажралган эди. Бағдоддаги Аббосий халифаларга бўйинсунган амирлик ва султонликлар асосан ҳанафийликка амал қилар эдилар. Миср, Шом ва Мағрибдаги Фотимийлар билан Ироқдаги Бувайхон ўғиллари шиа эдилар. Бир муддат ўтиб, ислом жамиятида турли жамоалар шу қадар кўпайдики, энди мунозаралар фақатгина сунний ва шиа орасида бўлмай қолди. Балки, айрим йўналишлар ва мазҳаблар орасида ҳам турли масалаларда тортишувлар юзага кела бошлади. Бу тортишувлар орасида фиқҳ ва тасаввуф вакилларининг муноқашалари ҳам ўрин олди.

Ҳужвирий "Кашфул маҳжуб" асарида Ғазнавийлар даврида фиқҳ вакиллари ва тасаввуф аҳли ўртасида бир неча бор музокаралар бўлганини қайд этган. У яшаган даврда мутасаввифлар фақиҳларнинг ўзларига мухолиф сифатида кўрар эдилар. Аммо шуниси эътиборлики, XI-XII асрга келиб, мутасаввифлар зоҳирий илмларни ўрганишга қаттиқ бел боғладилар. Чунки, тасаввуфни бошқа ислом илмлари билан узвий алоқадорлигини ва таъсирини кўрсатиш мақсадида унинг илмий асосини шакллантиришга киришдилар. Айнан шу даврда Абу Наср Саррожнинг "Лумаъ фит тасаввуф", Абу Бакр Калободийнинг "Таърруф ли мазҳаби аҳли тасаввуф", Абу Толиб Маккийнинг "Қутул қулуб" каби асарлар пайдо бўла бошлади (Süleyman Uludağ, 2018:18).

Обид ва зоҳидларнинг илк ислом давридаги зуҳдлари мўътадил кўринишда эди. Яъни, ижтимоий фаоллик, тирикчиликни таъминлаш, касб қилиш, шаръий қоидаларга амал қилишда фаол эдилар. IX аср иккинчи ярмидан кейин зоҳидлар орасида зуҳдда муболағага йўл қўйганлар пайдо бўла бошлади. Дунёни тарк этиш, нафс риёзатида ўта муболағага берилиш ҳолатлари юзага кела бошлади. Буларнинг орасида ўзларига махсус исмлар қўйганлар ҳам кўзга ташлана бошлади. Ўзларини суфийлар деб атай бошлаган бу жамоа дастлабки зоҳидлардан ташқи кўринишлари ва хатти-ҳаракатлари билан фарқлана бошладилар.

Ҳужвирий яшаган вақтда тасаввуф соҳаси бир қанча танқидларга юз тутган ва айрим мавзуларда баҳс майдонига айланган эди. Бу жараёнлар тасаввуфни янада оёққа туришга, ўз мақсади сари илгарилашга сабаб бўлди. Бошқа тарафдан эса сиёсий тарқоқлик ҳам суфийларга таълимотини тартиблаш ва таснифлашга имкон берди. Натижада, давлат одамлари орасида ҳам бу таълимотга қизиқиш уйғонди. Улар тарафидан тасаввуф вакилларининг ҳимоя остига олиниши бу фаннинг янада сайқалланишига йўл очди. Кўзга кўринган мутасаввифлар етишиб чиқишига замин яратди. Хусусан, бутун ислом оламида жумладан, Эронда етук тасаввуф вакиллари фаолият олиб борди. XII асрнинг иккинчи ярмида Абдураҳмон Суламий (ваф. 412/1021 й.), Абу Ҳасан Ҳарақоний (429/1037 й.), Абу Саид Абул Хайр (ваф. 441/1049 й.), Абул Қосим Журжоний (ваф. 450/1058 й.) ва Абул Қосим Қушайрий (ваф. 465/1072) каби суфийлар фаолият юритмоқда эди. Уларнинг таъсири натижасида маънавияти юксак бир қанча насллар шаклланди.

У тасаввуф илмини Абул Файз Хуттолий раҳбарлигида ўрганди. Айни шу устози уни Шиблий ва Жунайд Бағдодий давраси билан боғловчи халқа бўлди. Мазкур асарида узоқ давом этган сафари вақтида ўзига ҳамроҳ бир неча сўфий шайхлар номини тилга олди (Knysh, 2022:26).

Тасаввуфнинг кенг ёйилиши ва халқ орасида шуҳрат топиши сохта суфийлар жамоасининг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлди. Ҳақиқий суфийлар кўрган ҳурмат ва эътибор айрим кишиларга ташқи жиҳатдан уларга эргашишга сабаб бўлди. Ислом анъаналаридан узоқлашган, бидъат аралашган, шиа ва ботиний ақидалар билан қоришган тасаввуф мана шу тоифалар ҳаракати туфайли юзага келди. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, Хуросон бу вақтга Саррож, Қушайрий, Тусий, Ғаззолий каби буюк олимларнинг ватани эди. Юқоридаги иллатларнинг ечими сифатида бир қанча асарлар ёзилди.

“Кашфул маҳжуб” асари Қушайрийнинг “Рисола”си услубида бўлиб, ҳақиқатсиз шариатнинг риё ва шариатсиз ҳақиқатни мунофиқлик эканини тарғиб қилган эди. Қушайрий ва Ҳужвирий қийин ва шу билан бирга шарафли ишни бўйнига олиб, тасаввуфнинг аслиятини сақлашга умрини сарфлаган олимлардан эди. Улар бу асарларини ёзган вақтда баъзи одамлар тасаввуфдан қочар, уни залолат деб билар, тасаввуф манбаларига шубҳа билан қараётган эдилар. Бу ҳолдан таъсирланган икки олим асрларга улашган китобларини дунёга келтирдилар.

Ҳужвирий тасаввуфни дастлабки соф ҳолига қайтариш, унинг назарий ва амалий қисмини тушунтириш, тасаввуфий манбаларда оят ва ҳадис далилини кучайтириш, саҳоба ва тобеъинларнинг одоби ва ҳаёт тарзини асос олиш, тасаввуф ва шариат муносабатини илиқлаштириш учун ғайрат қилди ва фан моҳиятига хавф туғдирган барча иллатларга қарши курашди.

Ҳужвирийнинг ҳаёт йўли уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмини Ғазнада, сўнгра Ҳиндистоннинг Лаҳўр шаҳрида ва бошқа мамлакатларга қилган сафарлари билан ўтказган. У яшаган Ғазнанинг маркази Афғонистоннинг Қобул ва Қандаҳор шаҳарлари орасида жойлашган эди. Унинг оиласи дастлаб Ғазнадаги Жуллоб туманида яшаб, сўнгра эса Ҳужвир маҳалласига кўчган эди. Шунинг учун уни баъзан Жуллабий ёки Ҳужвирий деб атайдилар. Ҳозирда бу ҳудуд номи ўзгариб, ўрни йўқолиб кетгани айрим манбаларда қайд этилган (Knysh, 2022:26).

Ҳужвирий умрининг иккинчи қисмини ўтказган жойи Лаҳўр бўлиб, у ерда “Кашфул маҳжуб”ни ёзган, ўша ерда вафот этиб, айни жойга дафн қилинган. Унинг мозори Лаҳўрда ҳозиргача сақланиб қолган. Ҳозирги кунда Покистон ҳудудида жойлашган Лаҳўр эски Ҳинд шаҳарларидан эди. Ҳозирда Панжобнинг марказидир.

Олимнинг ҳаёти ва оиласи ҳақида жуда оз маълумотга эгамиз. “Кашфул маҳжуб”да оиласи ва ота-онаси ҳақида бирорта маълумот берилмаган. “Сафинатул авлиё” асарининг муаллифи Ғулом Сарварнинг берган маълумотига кўра, Ҳужвирийнинг оиласи тақводор одамлар бўлгани айтилган. Унинг нисбаси Али (р.а.)га етиши билан боғлиқ маълумотлар ҳам учрайди. Шу сабабли унинг араб наслли бўлгани ҳам катта эҳтимол билан келтирилган.

“Кашфул маҳжуб”да олимнинг ишора қилишича, у Имом Қушайрий билан шахсан кўришган ва ундан баъзи масалаларни юзма-юз ўрганган. Гарчи расман талабаси бўлмаган бўлса ҳам у билан кўришгани, ижодида Қушайрийнинг таъсири катта бўлгани асарда сезилиб туради. Маъруф Кархий борасидаги фикрларнинг айнан бир хиллиги ва “Рисола”дан келтирилган иқтибослар ҳам шунга далолат қилади. “Рисола” билан “Кашфул маҳжуб”нинг муқаддима қисмини солиштирганда орадаги ўхшашлик яққол кўзга ташланади. Ҳужвирий фақр, муҳаббат, Ҳаллож ва Абу Ҳасан Ҳарақоний қабрининг зиёрати билан боғлиқ масалаларни шахсан Қушайрийнинг ўзидан тинглаганини қайд этган. Ҳаттоки, энг сўнгги устозларидан бўлганини таъкидлаган. У дастлаб, Қуръон, ҳадис ва фиқҳ илмидан таҳсил олди. Бундан кўринадики, Қушайрий Ҳужвирийнинг устозларига ҳам устозлик қилган. У китобида Абу Али Фармадий (ваф. 1084 й.)дан ҳам сўз очган. Фармадий билан Ҳужвирий иккиси ҳам Абу Қосим Журжонийнинг шогирдлари бўлишган.

Ҳужвирийнинг тасаввуфий қарашларини янада яқиндан таниш учун унинг Қушайрий, Суламий, Саррож, Абу Саид Абул Хайр каби мутасаввифларга нисбатан юқори ҳурматидан ҳам кўриш мумкин. Кенгликни торликдан, бойликни камбағалликдан, ражони хавфдан устун кўрган Яҳё бин Муоздан юқори даражада таъсирланиши унинг қанчалик маъқул ва ҳақиқатпарвар мутафаккир эканини ифодасидир. Ҳаким Термизий ва унинг қарашларини ҳурмат қилган мутасаввиф сифатида ҳам намоён бўлган.

Ҳужвирий ҳанафий мазҳабида бўлгани учун Абу Ҳанифанинг қарашларига қўшилиши ва амал қилиши ҳақида китобида очиқ айтиб ўтган. Ҳужвирийнинг фикрига кўра, Абу Ҳанифа Иброҳим ибн Адҳам, Довуд Тоий ва Бишр Хофий каби зоҳидларнинг устози ҳам эди. Унинг “Кашфул маҳжуб” асарини ўқиган киши Ҳужвирийнинг ақл ва мантиққа муносиб изоҳлар ёзишга бор кучини сарфлаганини кўради. Суфий сифатида ақл ва мантиққа бу қадар аҳамият бериши ва буни ўзига мақсад қилишини Ҳужвирийнинг аҳли рай деб аталмиш Ироқ фиқҳ мактабига боғлиқлиги билан изоҳласа бўлади. Бу жиҳатдан уни ҳанафий фақиҳи бўлган мутасаввиф “Таъарруф” асарининг муаллифи Калободийга ўхшатиш ўринли (Zarrīnkūb, ʿA. 1983:71-72). Бу ҳолат ҳанафийликнинг тасаввуф илми учун аввалдан бағрикенг бўлганини кўрсатади. Рай ва қиёсга катта аҳамият берган ҳанафий фақиҳи сифатида Калободий ва Ҳужвирий кабилар илмга таянмаган, хаёлга таянадиган тасаввуфдан узоқ турганлар. Улар далилларга асосланган, тарихий илдизга эга ва ақл билан ҳамоҳанг тасаввуф тарафдори эдилар. Кунимизда ҳам Ҳужвирий асарида кўрсатилган мантиқли ва ақлни асос олган тасаввуфга эҳтиёжимиз мавжуд.

Тасаввуф юзага келгандан бери унинг ичида турли оқимлар ва мойилликлар юзага келгани, уларнинг айримлари нас ва шаръий ҳукмларга, айримлари ақл ва фикрга, баъзилари эса қалб, виждон ва илҳомга катта аҳамият берганларини

кўриш мумкин. Ҳатто, буларнинг баъзиларини дин билан баъзиларини эса ақл билан алоқасини узганини кўриш мумкин. Гарчи моҳияти асл бўлган тасаввуф доимо қалб, виждон, илҳом, салафи солиҳлар ва ақида масаласига катта аҳамият берган бўлсалар-да, унинг баъзи оқимлари орасида нас ва ақлга нисбатан турлича муносабат мавжуд бўлиб келган. Буни сунний тасаввуф мактаби учта вакилининг қарашлари мисолида кўриш мумкин:

1. Ҳорис Муҳосибий (ваф. 857 й.) ақл, фикр, мантиқ, қиёс ва истидлолга ўта даражада аҳамият берган тасаввуф йўналиш вакилларидандир. Унинг калом илми вакилларидан эканлиги ҳам унинг бу жиҳатларини янада ривожлантирган. Шунга қарамасдан насга юқори даражада боғлиқ бўлган Имоми Аҳмад билан ораларида айрим фикр келишмовчиликлари мавжуд эди. Кейинчалик Имом Ғаззолий унинг фикрларини янада ривожлантирди.

2. Мансур Ҳаллож (ваф. 921 й.) нас ва ақлга чуқур боғланмаган ҳолда ўз қарашлари тасаввуфий фикрларини ўта эркин ифода этган. Шу сабабли фақиҳлар жамоаси тарафидан танқидга учраб, қатл этилган. Айрим суфийларнинг ўзлари ҳам уни рад этганлар. Кейинги даврларда Мақтул ва Ибн Аробий унинг фикрларини қўллаб қувватлаганлар. Ҳужвирий Мансур Ҳаллож ҳақида сўз бораркан, унинг ўта ошиқ киши эканини тилга олиб, бу йўлда раҳбар бўладиган даражадаги суфий эмаслигини қайд этган. Яъни, унинг фикрлари шахсий қараш бўла олишини аммо эргаштирувчи эмаслигини таъкидлаган. У ҳурмат қилиниши керак бўлган киши экани аммо эргашилиши тўғри бўлмаслигини китобида тавсия қилган. Унинг қарашларини ҳурмат билан тилга олган.

3. Боязид Бистомий (ваф. 876 й.) Муҳосибий ва Ҳаллож орасидаги бир мавқедаги киши бўлиб, Муҳосибий каби ақлга аҳамият берувчи ҳам Ҳаллож каби ўта эркин ҳам эмас эди. Шу сабабли мутасаввифлар Жунайд Бағдодийни иттифоқан қабул қилсаларда, Боязиднинг сукрга асосланган шатаҳотларининг қаршисида эҳтиёткор муносабатда бўлиш кераклигини таъкидлаганлар (Schimmel, 1975:66:77) .

НАТИЖА

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, тасаввуфдаги айрим кишиларнинг шахсий ривожланиш йўли бу йўлдаги барчанинг намуна дастури бўла олмайди. Ҳужвирий ҳам юқоридаги кишиларнинг ҳурмати ва иззатини жойига қўйса-да, тасаввуф илмининг назарий ёки амалий қисмини тўлиқ акс эттириш учун мукаммал намуна сифатида қабул қилмаган. Аммо уларга нисбатан чексиз ҳурматини ҳам яширмаган.

Ҳаллож ҳақида Ҳужвирий ёшлик чоғларидан кўп маълумотлар ўқиди. Ҳаттоки, унинг сўзларини шарҳлаш мақсадида “Манҳожиддин” асарини ёзиб, унинг сўз ва ҳолларидан баҳс этди. Ибн Ато ва Абу Саидлар Ҳалложни қабул қилган бўлсалар, Қушайрий ва Абдуллоҳ Ансорийлар у ҳақда ижобий ёки салбий ҳукм беришдан сақланганлар. Ҳужвирий эса Ҳалложни ҳимоя қилганлар сирасидан бўлиб, унинг сеҳргар бўлганини рад этган. Тарихда икки Ҳаллож бўлганини улардан бири Бағдодли мулҳид Ҳасан Мансур Ҳаллож эканини қайд этган. Кейинчалик Фаридуддин Аттор ва Муҳаммад Порсо ҳам шу фикрни келтирганлар.

“Кашфул маҳжуб” китобининг аҳамияти. Асар тахминан 1043 йил Лаҳўрда ёзила бошланган. Қаерда ва қачон тугатгани аниқ кўрсатилмаган. Айримларнинг фикрига кўра, Лаҳўрда бошлаб, Хуросонда тугатган деган қарашлар бор. “Кашфул маҳжуб”да диққатимизни тортган жиҳат шуки, унда оятларга кенг ўрин берилгани. У 236 та оят қўллаган ҳолда асарини таълиф этган. Бу эса унинг Қуръон илмларидан чуқур хабардорлигини ва унинг маъноларини очиб беришга бўлган иштиёқи баландлигининг кўрсаткичидир. Оятларнинг баъзиларини нотўғри талқин қилинишининг олдини олиш учун айримларини эса чуқурроқ изоҳлаш мақсадида келтиради.

Ҳужвирий китобида оятлардан ташқари 138 та ҳадис ҳам келтирган. Бу ҳадисларни тасаввуфий жиҳатдан ўта нозик шарҳлаган ва форсчага таржима қилган. Бунинг сабаби унинг шахсан йирик муҳаддис ва муфассирлардан таълим олиши билан боғлиқ эканини зикр қилган. Оят ва ҳадислардан ташқари машҳур суфийлардан 500 га яқин иқтибос келтирган. Уларнинг аксарияти унинг замонасидан аввалги, энг йирик суфийларга тегишли фикрлар эди. Қолганлари эса ўзига замондош суфийларнинг қарашларидан иборат.

Ҳужвирийнинг фиқҳдан таълим олгани китобининг охирги қисмида фиқҳга оид таҳорат, намоз, закот, рўза каби шаръий масалаларга нисбатан қарашларини илова қилганида кўринади. Бу мавзуларни шариатнинг зоҳирий қисми сифатида баданга оид эканини келтириб, унинг ортидан юқоридаги амалларга тегишли ботиний ҳукмлар ҳам мавжудлигини кўрсатган. Масалан, закот масаласининг зоҳирий маъносидан бошқа қалбга тегишли жиҳатлари ҳам борилигини алоҳида тилга олган.

Булардан ташқари Ҳужвирий араб ва форс тилларини таржима қила оладиган савияда мукаммал ўрганган эди. Китобида оят ва ҳадисларни келтирар экан, аввало, асл арабий матнни келтириб, сўнгра форсчага таржима қилган. Ундан кейин эса форс тилида шарҳлашга ҳаракат қилган. Унинг

таржима ва шарҳларини ўқиган тилшунос унинг тил имконияти кенг бўлганини эътироф этмай иложи йўқ.

“Кашфул маҳжуб” тасаввуфнинг ҳам назарий, ҳам амалий асосларини ўзида жамлаган илк асарлардандир. Китоб усул жиҳатдан Абу Наср Саррожнинг “Лумаъ” асарига жуда ўхшаш бўлсада, суфийларнинг фикрларини шарҳлашда ундан бироз фарқ қилади. Асарнинг манбалари икки турли бўлиб, биринчиси ишончли ривоятлар, иккинчиси эса ўзидан аввал ёзилган таълиф китоблардир. Фойдаланган китобларининг номларини зикр этиш жараёнидан уларнинг муаллифларини ҳам келтирган. Баъзиларининг эса муаллифларинигина айтиб кетган.

Китобнинг “Кашфул маҳжуб” деб аталишининг сабабларини муаллифнинг ўзи кириш қисмида айтиб ўтган. Китобнинг ичидагиларини инобатга олган ҳолда шу номни берганини таъкидлаган. “Басират эгалари китобнинг номини эшитганларидаёқ китоб нима ҳақида эканини англайдилар. Дунёдаги барча инсонлар ҳам Яратганнинг ҳақиқатини англаш бахтига муяссар эмаслар. Илоҳий ҳақиқат латифаси ва яратилмишлар орасида бир тўсиқ бор. Бу китоб ҳақ йўлни очиқлаш, сўзларини изоҳлаш, башарий пардаларни ўртадан кўтариш мақсадини олдига қўйган. Бу турдаги китобга бундан бошқа ном беришни муносиб кўрмадим”. Ҳужвирийга кўра ҳақиқатни фақатгина идрок қилишга тўсиқ бўладиган пардаларгина оча олади. Фақат бунинг учун қалбда Ҳақнинг ҳузуридан бир нур бўлиши керак. Бу китобни ўқиган киши шу пардалардан озод бўла олади.

Китоб муқаддимадан сўнг тўрт бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда тасаввуфга оид маълумотлар ўрин олган. Бу бўлимда илм, фақр, тасаввуф, ҳирқа кийиш ва маломат мавзулари ёритилган. Иккинчи бўлимда суфийларнинг ҳол таржималари берилган. Учинчи бўлимда тасаввуфий йўналишлар ва уларнинг қарашлари акс этган. Тўртинчи қисмда тасаввуфий ҳақиқатлар ва муомалалар очиб берилган. Илова қисмида асарда учраган ҳадислар ва суфийлар сўзларининг рўйхати келтирилган.

Китобнинг аҳамиятини белгиловчи қисм тусаввуф йўналишларини таснифланганидир. Унга кўра 12 тасаввуфий йўналиш мавжуд бўлиб, шундан 10 таси шаръий, 2 таси эса адашган йўналиш экани кўрсатилган. Улар: муҳосибия, қассория, тайфурия, жунайдия, нурия, саҳлия, ҳакимия, харрозия, хафифия, сайёрия, халложия ва халмония. Охирги иккита йўналиш адашган суфий фирқа сифатида келтирилган (TDV İslâm Ansiklopedisi, 1998:458-460).

Ҳужвирийдан сўнг тасаввуфга оид насрий яна 3 та асар юзага келди. Муҳаммад ибн Мунаввар Абу Саид ибн Абу Тоҳир ибн Абу Саиднинг “Асрор ат-тавҳид” асаридир. Бу асар тахминан 1178 йилда ёзилган. Иккинчиси Фаридуддин Атторнинг “Тазкиратул авлиё” асари. Учинчиси, Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳотул унс” асари (Trimingham, 1971:50–65).

Ҳужвирийнинг “Кашфу-л-маҳжуб” асарида зикр қилган бошқа асарлари қуйидагилардир: Минҳажу-д-дин, Китабу-л-фано ва-л-бақо, Китоб дар шарҳи каломи Ҳусайн Мансур Ҳаллож, Китабу-л-баён ли аҳли-л-ъийон, Наҳву-л-қулуб, Асрору-л-хирақ ва-л-муллавванот, ар-Риоя би ҳуқуқиллоҳ, Китабу-л-имон.

Усул масаласида жуда қатъий бўлган Ҳужвирий “Кашфул маҳжуб”да “тасаввуф” ва “суфий” тушунчаларига ҳам ойдинлик киритган. Унинг фикрига кўра, тил қоидалари орқали бу икки тушунчанинг аниқ илдизини қидириш мумкин эмас. У мазкур атамалар келиб чиқиш орқали таърифланиши мумкин эмас, деб ҳисоблаган.

Ҳужвирий фикрига кўра, “суфий” ва ундан келиб чиққан “тасаввуф” сафо ҳолатидаги шахсларга берилган махсус номдир. Унинг фикрига кўра, тасаввуф – бу қалбнинг дунёвий одатлардан узилиши ва Аллоҳга қаратилишидир. Бу ишнинг етакчиси “сиддиқ” лақаби билан аталиб, мутаассаввиф бўлган Абу Бакрдир. Абу Бакр бу ҳолатни Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг вафоти вақтида намоён қилган.

Бу мақом – тавҳид мақоми бўлиб, уни Абу Бакр (р.а.) машҳур нутқида баён қилган. Шундай қилиб, Ҳужвирийга кўра: суфий бу авлиёлар ичида муҳаққиқ бўлганлари ва валоятда камол даражасига эришганларга берилган номдир. Мутасаввиф деб суфийлар билан алоқаси бўлган ва уларнинг талабида бўлган (бу илмни ўрганишга бел боғлаган) шахсга айтилган. Бундан ташқари мустасвиф деган тоифа ҳам борки, улар – молу мансаб учун ўзини суфийларга ўхшатган шахс. У суфийларнинг олдида аҳамиятсиз ва нолойиқ инсондир. Унинг фикрига кўра, суфий вусулга эга, мутасаввиф усулга эга, мустасвиф эса лозим бўлмаган нарсаларга соҳиб кишидир.

Ҳужвирийнинг бошқа бир қанча асарлари бўлишига қарамасдан бизгача фақат “Кашфул маҳжуб” асари етиб келган. Ислом тасаввуфи тарихи ҳақида асар ёзиб, тадқиқот қилиб мазкур асарга мурожаат қилмаган шарқшунос ёки исломшунос топилмаса керак. Бошқа асарлари мавжудлиги ва уларнинг исми ҳақида “Кашфул маҳжуб”да муаллифнинг ўзи қайд этган. Ҳужвирий “Кашфул маҳжуб”да 9 та асари номини келтирган. Шунингдек, баъзилар тарафидан “Кашфул асрор” ва “Савокибул ахбор” асари ҳам Ҳужвирийга тегишли экани келтирилган. Девон китобини ҳам қўшсак, китоблари сони умумий 12 тани ташкил қилиши тахмин қилинмоқда.

Абдураҳмон Жомий “Нафаҳотул унс” китобида шундай дейди: “Али ибн Усмон Жуллабийнинг “Кашфул маҳжуб” асари тасаввуф илми мавзусида ёзилган машҳур ва қийматли асардир”. Сулаймон Улудоғнинг фикрига кўра, “Араб тилида ёзилган Лумаъ асари қандай аҳамиятга эга бўлса, форсча “Кашфул маҳжуб” айни ўриндадир” (Süleyman Uludağ, 2018:50).

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, “Кашфул маҳжуб” асари тасаввуф таълимотини илмий ва тизимли тарзда баён этган илк манбалардан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Муаллиф Али ибн Усмон Ҳужвирий ушбу асар орқали тасаввуфнинг моҳиятини, унинг асосий тушунчалари ва амалий жиҳатларини изчил равишда очиб бер.

Асарда тасаввуф атамаларининг луғавий ва истилоҳий маънолари, суфийларнинг мақом ва ҳолатлари, шунингдек, уларнинг ахлоқий-руҳий камолотга эришиш йўлидаги тажрибалари чуқур таҳлил қилинган. Шу билан бирга, муаллиф тасаввуфни ислом шариати доирасида тушунтириб, унинг ҳақиқий мазмунини турли бидъат ва нотўғри қарашлардан ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилади.

Шу нуқтаи назардан, мазкур асар нафақат тасаввуф тарихи ва назариясини ўрганишда, балки унинг амалий ва ахлоқий қирраларини англашда ҳам муҳим манба ҳисобланади. Бугунги кунда ҳам ушбу асар ўз илмий қимматини йўқотмаган бўлиб, тасаввуф илмини тадқиқ этувчи олимлар ва изланувчилар учун ишончли ва асосий манбалардан бири сифатида хизмат қилиб келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. زرین‌کوب، عبدالحسین. دنباله جستجو در تصوف ایران. تهران: انتشارات امیرکبیر، ۱۳۶۲. ص. ۴
2. Abdur Rashid. (1967) The Life and Teachings of Hazrat Data Ganj Bakhsh (Shaikh Abul Hasan Ali Bin Usman al-Hujwiri al-Jullabi al-Ghaznawi). – Lahore, – P. 19-42.
3. Nicholson, Reynold A. (1911) (tr. with introd.). The Kashf al-mahjub: the oldest Persian treatise on Sufiism. – London, – P. 443.
4. Schimmel, A. (1975). Mystical Dimensions of Islam. University of North Carolina Press.
5. Süleyman Uludağ. (2018) Hakikat Bilgisi - Keşfu'l-Mahcûb. – İstanbul: Dergâh Yayınları, – S. 18.
6. Sviri, S. (1999). Hakīm Tirmidhī and the Malāmatī movement in early Sufism. In L. Lewisohn (Ed.), Classical Persian Sufism from its Origins to Rumi (pp. 193–215). Khaniqahi Nimatullahi Publications.
7. TDV İslâm Ansiklopedisi. (1998) – İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları, – Cilt 18. – S. 458-460.
8. Trimingham, J. S. (1971). The Sufi Orders in Islam. Oxford University Press.
9. Али ибн Усман аль-Худжвири. (2004) Раскрытие скрытого за завесой. Старейший персидский трактат по суфизму. – М.: «Единство», - 504 с.
10. Бертельс Е.Э. (1965) Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, – С.227.
11. Жуковский В.А. (1926) Раскрытие скрытого. – Ленинград, 1926. - 607 с.
12. ابن خلكان. (1972). وفيات الأعيان وأنباء أبناء الزمان (تحقيق إحسان عباس). دار صادر
13. Из истории суфизма: источники и социальная практика. (1991) Под редакцией академика Ш РУз М. М. Хайруллаева. – Ташкент: Фан, Академии наук Республики Узбекистан. – С. 47.
14. Книш Александр. (2022) Мусулмон тасаввуфи / таржимон Қодиркул Рўзматзода. – Тошкент: Фан зиёси нашриёти, – Б. 168.
15. Хасан Камиль Йылмаз. (2007) Тасаввуф и тарикаты. Перевод с турецкого. М.: ООО «Издательская группа «САД», – С. 47.

REFERENCES

1. Zarrīn-kūb, ‘Abd al-Ḥusayn. Dūnbālah-i justujū dar taṣawwuf-i Īrān. – Tahrān: Intishārāt-i Amīr Kabīr, 1362. – S. 4.
2. Abdur Rashid. (1967) The Life and Teachings of Hazrat Data Ganj Bakhsh (Shaikh Abul Hasan Ali Bin Usman al-Hujwiri al-Jullabi al-Ghaznawi). – Lahore, – P. 19-42.
3. Nicholson, Reynold A. (1911) (tr. with introd.). The Kashf al-mahjub: the oldest Persian treatise on Sufiism. – London, – P. 443.
4. Schimmel, A. (1975). Mystical Dimensions of Islam. University of North Carolina Press.
5. Süleyman Uludağ. (2018) Hakikat Bilgisi - Keşfu'l-Mahcûb. – İstanbul: Dergâh Yayınları, – S. 18.
6. Sviri, S. (1999). Hakīm Tirmidhī and the Malāmatī movement in early Sufism. In L. Lewisohn (Ed.), Classical Persian Sufism from its Origins to Rumi (pp. 193–215). Khaniqahi Nimatullahi Publications.
7. TDV İslâm Ansiklopedisi. (1998) – İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları, – Cilt 18. – S. 458-460.
8. Trimingham, J. S. (1971). The Sufi Orders in Islam. Oxford University Press.
9. Ali ibn Usman al-Khudzhviri. (2004) Raskrytiye skrytogo za zavesoy. Stareyshiy persidskiy traktat po sufizmu. – M.: «Yedinstvo», – 504 s.
10. Bertels Ye.E. (1965) Sufizm i sufiyskaya literatura. – Moskva: Nauka, – S. 227.
11. Zhukovskiy V.A. (1926) Raskrytiye skrytogo. – Leningrad, 1926. – 607 s.
12. Ibn Khallikān. (1972). Wafayāt al-a‘yān wa-anbā’ abnā’ az-zamān (Taḥqīq Iḥsān ‘Abbās). Dār Ṣādir.
13. Iz istorii sufizma: istochniki i sotsialnaya praktika. (1991) Pod redaktsiyey akademika Sh RUz M. M. Khayrullayeva. – Tashkent: Fan, Akademii nauk Respubliki Uzbekistan. – S. 47.
14. Knish Aleksandr. (2022) Musulmon tasavvufi / tarjimon Qodirqul Rūzmatzoda. – Toshkent: Fan ziyosi nashriyoti, – B. 168.
15. Khasan Kamil Yylmaz. (2007) Tasavvuf i tarikaty. Perevod s turetskogo. M.: OOO «Izdatelskaya gruppa «SAD», – S. 47.